



Fidoyilik —  
vatanga xizmat demak!

2022-yil 5-yanvar, chorshanba,  
№1 (23.568)-son

**КУН ҲИҚМАТИ**

Фарзанд олдидаги бурч оқил инсонни доимо масъулиятга чорлайди. Негаки бундай кишилар ҳар бир ҳаракатида «болам мендан нимани ўрганипти?» деб уйлайди.

1913-yil aprel oyidan chiqq boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz

# 2022-YIL – INSON QADRINI ULUG‘LASH VA FAOL MAHALLA YILI

Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен Янги – 2022 йилни мамлакатимизда «**Инсон қадрини улуг‘лаш ва фаол маҳалла йили**» деб эълон қилишни таклиф этаман.

Инсон қадрини улуг‘лаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.

Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВнинг**

**Ўзбекистон халқига Янги йил табригидан.**

*Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ*

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2021 ЙИЛДАГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ ҲАМДА 2022 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бюджет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6-, 24-моддалари, «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/841-сонли кўрсатмасини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши олтинчи чакриқ, элик учинчи сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Дав-

лат бюджети тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 3 955,8 миллиард сўм, харажатлари 4 963,8 миллиард сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар 1 008,0 миллиард сўм миқдорда таъсирчанлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Куйидагилар:

- 2022 йил учун Самарқанд вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-саҳифада) >>>



## ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШЛАНДИ

Лекин қурилиш ишлари давом этади

**31 декабрь кун Самарқанд шаҳрининг Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесишмасида бунёд этилган туннель шаклидаги йўл ўтказгич авто-транспорт воситалари ҳаракати учун очилди.**

Умумий узунлиги 675 метр бўлган йўл ўтказгичнинг эстакада қисми узунлиги 20 метр, баландлиги 5,7 метр ва кенлиги ўртача 26,3 метрни, тиргақ деворларининг умумий узунлиги 551 метрни ташкил этди.

Объектнинг умумий қиймати 143 миллиард сўмни ташкил этиб, тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилди.

Йўл ўтказгичда 66 та ёритиш чирғи, 1800 метр масофада трамвай изи ётқизилди. Бундан ташқари, 1640 метр масофада пиёдалар йўли қурилди. Мазкур ҳудуд

яқинида, Бўстонсарой кўчасини реконструкция қилиш жараёнида Сиёб каналда 6х3 метр бўлган тўғри тўртбурчакли галерея қурилди. Йўл кенгайтирилиб, транспорт воситалари ва пиёдалар қатнови учун ҳар томонлама қулай шароит яратилди. Йўлнинг икки четиди ҳимоя воситаси, шовқин камайтувчи, баландлиги 4,55 метр бўлган қисмида 900 метр узунликда тўсиқлар ўрнатилди. Пиёдалар йўлига ва велойўлак барпо этилди.

Янги объектларнинг очишлиш маросимида вилоят ҳокими ва сектор

раҳбарлари, фаоллар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

– Ушбу йўл ўтказгич Президентимиз томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни биргаликда бажарсак, ҳамжихат бўлиб меҳнат қилсак албатта, юксак натижаларга эришишимиз мумкинлигининг яна бир исботи бўлди, – деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. – Тўғри, қурилиш жараёнида транспорт

ва пиёдалар қатнови учун турли ноқулайликлар юзага келди, айримлар бундан норози бўлди. Лекин кўпчилик қўллаб-қувватлади, лойиҳага хайрихоҳлик билдирди. Мана бугун ўша қийинчиликлар ортда қолди. Туннелнинг очишлиши билан шаҳарнинг икки асосий кўчаси кесишган чорраҳада транспорт воситаларининг тирбандлиги олди олинади.

**P.S:** 3 январь кун ижтимоий тармоқларда мазкур йўл ўтказгич деворларидан ёмғир суви сизиб чиқаётгани акс этган видеолар тарқалди ва бундай ҳолатга қурилишга масъуллардан изоҳ сўралди. 1-кўприк қурилиш отряди директори ўринбосари Азимбек Мирзаевнинг маълум қилишича, бу иншоот ирригация тизимларининг ҳали фойдаланишга тўла тайёр эмаслиги туфайли юзага келган. Лекин мазкур ҳолат кўприк конструкциясига салбий таъсир кўрсатмайди. Йўл ўтказгич автотранспорт воситалари қатнови учун очилган бўлса-да, объектда қурилиш ишлари давом этмоқда ва январь ойи якунига қадар барча қурилиш, ободонлаштириш ишларини якунлаш режалаштирилган.

## БИЗ СИЗ БИЛАН, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Газета муштарий учун чоп этилади ва унинг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Газета доимо ҳаётнинг инъикоси, ойнаси бўлиши керак. Таҳририят ана шу талаб асосида ишлайди, бунга интилади. Азал-азалдан жамиятда зиёлилар айнан матбуот орқали ўз фикрини халққа етказишга, одамлар нуқтаи назарни шакллантиришга ҳаракат қилади. Газета саводхонликни мустаҳкамлайди, илм ўргатади, янгиликлардан хабардор этади, фикрлашга ундайди. Шунинг учун ҳатто, ахборот технологиялари энг ривожланган мамлакатларда ҳам матбуот одамларнинг чинакам маънавий дўстига, ҳамқорига айланган.

Газетанинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, у бугунги ҳаётни тарихга муҳрлайди. Биз давлатимиз, халқимиз тарихини ёзма манбалар орқали ўрганамиз, таҳлил қиламиз ва хулоса чиқарамиз.

Матбуотнинг асосий вазифаларидан бири бу – одамларни ижтимоий фаолликка чорлаш. Бунинг соддароқ қилиб айтганда, ҳар бир инсонга ўз нуқтаи назарини, фикрини изҳор қилишга имкон яратилиши.

«Зарафшон» газетаси ҳам ана шу аъёналарни давом эттириб, бугунги замон билан ҳамнафас бўлишга интилаётган нашр. Юз йилдан ортқ тарихга эга газетанинг бу давр мобайнида ўзига хос журналистика мактаби шаклланди, сайқалланди. 2021 йилда таҳририятимизга келган мактубларнинг 90 фоиздан ортқига газета юзини кўрди. Бу аъёнани биз бундан кейин ҳам давом эттириш ниятидамыз.

Сир эмас, глобаллашув жараёнида дунёда шу қадар мураккаб вазият юзага келдики, биз учун яхши-ёмонни фарқлаш қийин кечмоқда. Айнаник, пандемия шароитида иқтисодий бақувват давлатлар ҳам қалқиб қолди. Капитализм, бозор иқтисодиёти, манфаатлар кураши дунё халқларининг нуқтаи назари, мил-

лий қадриятлари тўқнаш келишига, қоришиб кетишига ҳам сабаб бўлаётди. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат, ҳар бир миллат ўз қадр-қиммати, ўз манфаати йўлида қизгин курашга киришган. Ана шундай бир пайтда биз иккита ренессанс ижодкорлари бўлиш ажодларимиз мероси ва аъёналарига содиқ қолган ҳолда ўз давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлиги, давлат нуфузини ошириш йўлида ҳамфикр бўлишимиз тақозо этилмоқда. Газетамиз келгусида айнан ана шу эзгу ишга хизмат қилиши тарафдоримиз.

Яхши биласиз, ўтган йил газетамиз даврийлигини ҳафтада икки мартага тушириб, обунга уюштирдик. Шунга қарамай йилнинг биринчи ярмида «Зарафшон»ни ҳафтада уч марта чоп этиб бордик. Лекин иқтисодий имкониятларимиздан келиб чиқиб, йилнинг иккинчи ярмида ҳафтада икки марта газета чиқаришга мажбур бўлдик. Йил давомида сизга газетамизнинг 131 та сони етказилди.

Азиз муштарий!

Авалло, бугун «Зарафшон»нинг янги сонини мутлола қилиб турган ҳар бир муштарийга бизни қўллаб-қувватлаётгани, обунга бўлгани учун, саҳифаларимизни ўз фикрлари билан бойитиб тургани учун чин дилдан миннатдорлик билдира-миз. Янги бошланган 2022 йилда ҳам бу ҳамкорлик мустаҳкамланади, деган умиддамыз. Бу йил газетамиз ҳафтада яна уч марта – сешанба, пайшанба, шанба кунлари чоп этилади (ушбу ил сон бундан мустасно).

Ватанимиз тараққиётида муносиб ўрин эгаллаган, ривожланиш лиллапоисида ўзига хос ўрин қолдирган 2021 йилдан рози бўлган ҳолда, 2022 йил биз учун бундан бариқали бўлишига ишонамиз.

Янги йил, янги дийдоримиз муборак бўлсин, азиз муштарий!

«Зарафшон» таҳририяти.

>>> Янги йилдаги илк суҳбат

## ЮРТИМИЗДА ИНСОН АЗИЗ, УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Янги йил муносабати билан бир неча кундан буён бир-биримизни табрикларимиз билдирдик. Яқинларимиз, дўстларимизга қўнғирок қилдик, хабар юбордик. Яхшиям, телефон, интернет бор, бир-биримизга нисбатан меҳр-оқибатимиз йўқолиб кетмаганини шу воситалар орқали бўлса-да билдириб қўйдик.



Инсон табиатига хосми, қанча қулайлик, энгиллик бўлса шунчалик эринчок, камҳаракат, ҳатто эйтибор-сиз бўлиб қоламиз. Авваллари кишилар бир-бирини йўқлаб, кўришиб, кўнгил сўраган, байрам, яхши кунда табриклаган бўлса, кейинчалик бу «хизмат»ни хат-хабар, телефон орқали билдириб қўйишга ўргандик. Бугун эса «йўқлов» янаям осон – қўлимиздаги смартфон (ақли телефон-да бу) ёки интернетда битта матн ёзиб уни ҳаммага жўнатиб қўямиз. Буям замон зайли, кўпчиликни йўқлашнинг қулай усулидир. Аммо, кўришиб, ҳеч бўлмаганда, телефон орқали суҳбатлашиб, кўнгил сўрашининг, байрам билан табриклашнинг ўрни бўлакча-да – юракдаги гаплар айтилади.

(Давоми 4-саҳифада) >>>

## РЕКТОРЛАР ҲАМ МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ ЎТКАЗСА...

Ҳа, бугун 2022 йилнинг оstonасида туриб, шундай ният, тилак билдиришни жоиз деб билдик. Чунки, ўтган йилни сарҳисоб қилиб кўрсак, кўпга давлат ва нодавлат ташкилотлар, тузилмалар, ҳокимликлар бир неча марта матбуот анжумани, пресс-тур, брифинглар ўтказиб-дию негадир вилоятимиздаги олий ўқув юртлари бундай тадбирларга эйтибор қаратмабди.

Биз эса вилоятимизда олий ўқув юртлари сони 13 тага етди, қабул квоталари

ошиди, Самарқанд Тошкентдан кейин иккинчи йирик талабалар шаҳрига айланмоқда, деб бонг уряпмиз. Олий таълим тизимидаги янгилик ва ўзгаришларни шу кутлуг даргоҳлар раҳбарларидан эшитсак, улардан ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олсак, қандай яхши бўларди.

2022 йил учун иш режалар тузилаётганда, балки матбуот анжумани ва брифингларга ҳам вақт, жой, муҳими, хафсала топилар.

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2022 йилда хизматлар ҳажми бир ярим баробарга оширилиб, 28 триллион сўмга етказилади. Бунинг учун алоҳида дастур қабул қилинди. Қиймати 212 миллион долларлик, майдони қарийб 400 минг квадрат метр бўлган 7 та йирик савдо хизмат кўрсатиш комплекслари ташкил этилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2021 ЙИЛДАГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ ҲАМДА 2022 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- 2022 йил учун вилоят маҳаллий бюджетни даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ;  
 - 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ;  
 - 2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ.  
 Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджетни билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсими тини ўрнатилган тартибда вилоят газначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:  
 - шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари 5-иловага мувофиқ;  
 - 2022 йил учун туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.  
 Бунда, тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги инобатга олинсин.  
 4. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетни захира жамғармаси ҳажмлари 16,1 миллиард сўм миқдоридан белгилансин.  
 5. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдоридан шакллантирилсин.  
 6. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетни шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 11 122,0 миллион сўми ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағлари-

нинг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.  
 7. Ўзбекистон Республикасининг "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида" ги Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар қисмида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.  
 8. 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:  
 а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:  
 - жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;  
 - жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;  
 - жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, яқка тартибдаги тadbirkorлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;  
 - сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;  
 - айланмадан олинадиган солиқ;  
 - давлат объектларини ижарага беришдан олинадиган даромадлар;  
 - норузда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;  
 - мобил алоқа хизматлари учун, сигарет учун ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан, пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.  
 б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:  
 - қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан

ташқари);  
 - қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;  
 - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;  
 - электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;  
 - вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулк объектларини сотишдан олинган даромадлар;  
 - тadbirkorлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш ер участкаларини «e-ijro auktsion» савдо майдончаси орқали сотишдан тушган тушумлар;  
 - давлат фойдасига мусодара қилинган мол-мулкни сотишдан тушган тушум.  
 в) қуйидагилар, вилоят бюджетига ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:  
 - юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;  
 - юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;  
 - бензинни, дизель ёқилғисини ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;  
 - айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;  
 - қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, йўлдиракли транспорт воситалари, ўзинор машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимларини, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари).  
 Бунда, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 100 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган

даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда яқка тартибдаги тadbirkorлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) ҳамда фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимланиши таъминлансин.  
 9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов), вилоят молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Иноғомов) туман (шаҳар) ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотларга:  
 - тегишли бюджетларни, биринчи навбатда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;  
 - маҳаллий бюджетни прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;  
 - бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;  
 - бюджет интимигомига ривож этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;  
 - тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;  
 - бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш топширилсин.  
 10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов), халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Ш.Йўлдошев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

- бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;  
 - солиқ базасини кенгайтириш, иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назоратни ўрнатиш;  
 - ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига киритиб борилишини таъминласин.  
 11. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси (А.Анваров) ушбу қарорни "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига ҳамда Lex.uz Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасига жойлаштирилишини таъминласинлар.  
 12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга кирди.  
 13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тadbirkorлиқни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси Э.ТУРДИМОВ

2021 йил 30 декабрь

(Қарор матни ва иловалари билан вилоят ҳокимлигининг веб-сайти – www.samarqand.uz ва газетамизнинг www.zarnews.uz сайти орқали танишишингиз мумкин).



Хабарингиз бор 2022 йил Давлат бюджетини шакллантиришда солиқ снѐсатининг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланди.

**Биринчидан,** 2022 йилда асосий солиқ ставкаларини ўзгартириш, яъни қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиз, фойда солиғи ставкаси 15 фоиз, айланмадан олинадиган солиқ 4 фоиз ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз миқдоридан қолдирилди.  
 Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги солиқ ставкалари ҳам сақлаб қолинади (ер солиғи (0,95 фоиз)).  
**Иккинчидан,** қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкаси 7 фоизга индексация қилинади.  
 Хусусан, Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси 2021 йилда 1 гектар ер майдони учун 33,0 миллион сўм этиб белгиланган бўлса, 2022 йилда ушбу миқдор 35,3 миллион сўмни ташкил қилади.  
 Худди шу тартибда, жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкаси ҳам ўтган йилга нисбатан 7 фоизга индексация қилинмоқда.  
 Вилоятимизда 2021 йилда базавий солиқ ставкаси 1 кв.м учун мутлақ ўлчамда 298 сўмни ташкил этган бўлса, ушбу миқдор 2022 йилда 318 сўм этиб белгиланмоқда.  
 Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилиниб, 0,23 фоиздан 0,25 фоизга оширилмоқда.  
 Шуни таъкидлаш зарурки, кўзда

# ВИЛОЯТ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ 2022 ЙИЛДА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

тутилган ўзгартиришларга қарамастан 2022 йилда жисмоний шахслардан олинадиган ер ва мол-мулк солиқ миқдори 2021 йилдаги ҳисобланган миқдордан 1,3 баробаридан ошмаслиги алоҳида белгиланмоқда.  
**Учинчидан,** юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилмоқда. Шу билан биргаликда 1 кв. метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қиймат жорий этилиши тақлиф қилинмоқда (Тошкент шаҳрида – 2,5 миллион сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – 1,5 миллион сўм ва қолган ҳудудларда –1,0 миллион сўм).  
 2022 йил учун маҳаллий бюджет даромадлар прогнози 3 955,8 миллиард сўм (2021 йил кутилаётган тушумларга нисбатан 127,6 фоиз) этиб белгиланди.  
 Бунда, жисмоний шахслар даромад солиғидан 1 350,4 миллиард сўм, фойда солиғи 351,3 миллиард сўм прогноз режалаштирилди.  
 Алкоголь махсулотлари ва мобил алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи тушумларини тақсимлаш тартиби ўзгармади ҳамда 2022 йилдан бошлаб тамаки махсулотлари учун акциз солиғи 2021 йил 1 июль ҳолатидаги аҳоли сонининг улушига кўра маҳаллий бюджетларга ўтказилади.  
 Хусусан, Самарқанд вилоят бюджетига 2022 йилда 642,1 миллиард сўм (мобил бўйича 138,4 миллиард сўм, алкоголь 243,0 миллиард сўм, тамаки махсулотлари бўйича 260,7 миллиард сўм) ўтказиб берилди.  
 2022 йил бюджет тушумлари прогнози ишлаб чиқишида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ маъмуричилигини яхшилаш, ишчилар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди легализация қилиш, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш доирасидаги бошқа тadbirkor натижасида бюджетга қўшимча маблағ тушириш топшириқлари прогнозга қўшиб ҳисобга олинди.  
 Маҳаллий ҳокимликлар ҳамда солиқ органлари ҳудудлар прогнози кўрсаткичларини бажаришда ушбу ҳудуддаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари лозим. Бунинг натижасида

2022 йилда маҳаллий бюджет даромадлар қисмини прогноздан 450 миллиард сўмга ошириб бажариш бўйича имкониятларимиз мавжуд.  
 Энди 2022 йил маҳаллий бюджетда назарда тутилаётган харажатларга ҳам тўхталиб ўтсам. Жорий йилдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва ваколатларини кучайтириш ҳамда ваколатларини кенгайтириш мақсадида қуйидаги харажатлар вилоят бюджетидан молиялаштирилади:  
 - адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш;  
 - кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш харажатлари;  
 - иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатлари.  
 - инвестиция дастурлари асосида умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, туман ва шаҳар марказларини ободонлаштириш ва сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тadbirkorлари доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш харажатлари.  
 2022 йил учун вилоят маҳаллий бюджетнинг харажатлари 4 триллион 963 миллиард 800 миллион сўмни (2021 йилга нисбатан 132 фоиз), шу жумладан харажатлар таркибида давлат дастурлари ва тadbirkorлар учун 268,7 миллиард сўм маблағ ажратилиши назарда тутилмоқда.  
**ИЖТИМОЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-қўВATЛАШ ХАРАЖАТЛАРИГА** жами 3362,5 миллиард сўм (умумий харажатларнинг 68 фоизи) ажратилиши назарда тутилмоқда.  
 Бунда: Мактабгача таълим харажатларига 211,6 миллиард сўм (2021 йилга нисбатан 125 фоиз) маблағ ажратилиши назарда тутилган. Шундан 2,9 миллиард сўм дастур доирасида санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари учун ажратилади.

Умумий таълим харажатларига 410,6 миллиард сўм (2021 йилга нисбатан 124 фоиз) маблағ ажратилиши назарда тутилган.  
 Шундан Давлат дастурлари доирасида:  
 - 14,8 миллиард сўм шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ходимларини рағбатлантириш жамғармаларини шакллантиришга;  
 - 4,2 миллиард сўм хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши натижаларга эришган мактабларни рағбатлантириш харажатларига маблағ назарда тутилган.  
 Соғлиқни сақлаш харажатларига 1716,7 миллиард сўм (2021 йилга нисбатан 126 фоиз) маблағ ажратилиши назарда тутилган. Давлат дастури доирасида:  
 - 47,3 миллиард сўм оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 2021-2022 йилларда 5 нафардан иборат бўлган "тиббий бригадалари"га (терапия, педиатрия, акушерлик, патронаж бўйича) қўшимча 1015 штат бирликлари ажратиш учун;  
 - 42,1 миллиард сўм маблағ бирламчи тиббий санитария муассасаларида аҳоли жон бошига ажратиладиган дори ва тиббий буюмлар учун маблағ миқдорини ўртача 3 бараварга ошириш назарда тутилган (5,5 минг сўмдан 16 минг сўмга оширилади).  
 Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар учун 882,4 миллиард сўм (2021 йилга нисбатан 125 фоиз) ва бошқа ижтимоий соҳа йўналишидаги харажатларига 138,3 миллиард сўм (2021 йилга нисбатан 128 фоиз) маблағ режалаштирилмоқда.  
**ИҚТИСОДИЁТ ХАРАЖАТЛАРИГА** жами 501,8 миллиард сўм (умумий харажатларнинг 10 фоизи, 2021 йилга нисбатан 131 фоиз) маблағ назарда тутилмоқда. Шундан Давлат дастури доирасида 157,4 миллиард сўм.  
 - 2,1 миллиард сўм кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларда болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш, ирригация тармоқларини таъмирлаш, йўлакларни бетонлаш, ташқи ёритиш тизимларини таъмир-

лаш ва янгисига алмаштириш ҳамда умумфойдаланишдаги ҳолатхоналарни қуриш учун;  
 - 3,2 миллиард сўм иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатларига;  
 - 12,2 миллиард сўм сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш харажатларига.  
 Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига асосан Давлат дастурларида назарда тутилган тadbirkorларга:  
 - туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини 21 та махсус техника ва бошқа механизмлар билан таъмирлаш харажатлари учун 13 миллиард сўм;  
 - ободонлаштириш бошқармаларига қўшимча 750 та штат бирлиги ажратиш учун 21,5 миллиард сўм;  
 - ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш харажатлари учун 28,6 миллиард сўм;  
 - автомобиль йўллари инфратузилмасини янада ривожлантириш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари учун 1,9 миллиард сўм;  
 - вилоятдаги кўп квартирали уйлارнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш учун 7,6 миллиард сўм;  
 - шаҳар атрофи, шаҳарлараро ҳамда вилоят ички автобус йўналишларига субсидиялар ажратишга 4,3 миллиард сўм маблағ ажратилиши назарда тутилган.

193,3 миллиард сўм (2 та янги қурилишга 19 миллиард сўм, 26 та реконструкция учун 128,8 миллиард сўм, 10 та капитал таъмирлашга 45,5 миллиард сўм);  
 - соғлиқни сақлаш ташкилотлари учун 77 миллиард сўм (3 та янги қурилишга 36 миллиард сўм, 9 та реконструкцияга 41 миллиард сўм);  
 - туман ва шаҳар марказларини ободонлаштириш учун 69,1 миллиард сўм;  
 - 7 та коллектор тизимини таъмирлаш-тиклаш учун 7,8 миллиард сўм маблағ ажратилади.  
 Маҳаллий бюджетлар параметрларидаги яна бир ўзгариш, бу 2022 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бевосита кенг жамоатчилик иштироки ҳисобланади.  
 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тadbirkorларни молиялаштиришга йўналтирилади.  
 Натижада 2022 йилда "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тadbirkorларни молиялаштириш учун шаҳар ва туман ҳокимликлари қошидаги "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"га 156,9 миллиард сўм миқдоридан маблағ ўтказилади. Бу эса ўз навбатида вилоятда бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қилади.  
 Тadbirkorлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллабай ишлашнинг янги тизими, яъни ҳоким ёрдамчилари жорий этилиши натижада уларни сақлаш харажатларига 83,6 миллиард сўм маблағ назарда тутилди.  
 Шунингдек, вилоят бюджетидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар 1 триллион 167 миллиард сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.  
**Ботир МИРЗАЕВ, вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи.**

2021 йил 30 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекди.

Унга кўра, мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилади.

Худудларда “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари” барпо этилади.

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши мuddатсиз даврга узайтирилади.

Мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга кўшимча равишда ҳуқуқбузарларга:

- мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдори беш бараварга;

- дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлантириш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириш суммалари икки бараварга оширилган ҳолда қўлланилади.

Мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилади. Даражасини (рейтинг баҳосини) бир поғонага пасайтириш имкони бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари бир йил мuddатга қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингидан тўлиқ чиқариб ташланади.

## Марказий кўчаларда ёши 5 йилликдан кам бўлган дарахт кўчатлари экиш тақиқланди

### Тақиқланди

Янги қуриладиган, баланглиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратилган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмайди (эксплуатация мuddатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган бино ва иншоотларни реновация қилиш бундан мустасно).

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳуқуқат фармойишлари, баённомалар, ёзма топшириқлар, идоравий ҳужжатлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг кўрсатмалари ва қарорларини қабул қилиш қатъиян тақиқланади.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб аҳоли томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Давлат экология қўмитасининг махсус ахборот тизимида юборилган, дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш бўйича ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосурат ва видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари акс эттирилган

## Президент фармонига кўра

фотосурат ва видеоёзувларга тенглаштирилади ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳар бир тасдиқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг миқдордаги пул муқофоти билан рағбатлантирилади.

Туманлар (шаҳарлар) марказий кўчаларини кўкаламзорлаштиришда экиладиган дарахт ва бута кўчатларининг кўқарувчанлигини таъминлаш учун сўғориш тизими мавжуд бўлмаган ерларга ҳамда ёши 5 йилдан кам бўлган кўчатларнинг экилиши тақиқланади.

2022 йил 1 мартдан бошлаб ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри таркибида республиканинг барча ҳудудларидаги ва ҳар қандай турдаги дарахтларнинг ҳисобини юритиш ҳамда уларни бириктириш учун “Дарахтлар реестри” тизими жорий этилади.

2023 йил 1 мартга қадар Самарқанд вилоятида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар тўлиқ рақамлаштириш йўли билан хатловдан ўтказилади.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида хўжалик ҳисобидидаги “Яшил ҳудуд” давлат унитар корхонаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий корхоналари ташкил этилади.

## 1 ЯНВАРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

**Давлат хизматлари марказлари орқали кўйидаги хизматлар амалга оширилади:**

- Ўзбекистон фуқароси, республикада доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картасини ҳамда Ўзбекистон фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш;
- жисмоний шахсларга айрим фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатларини бериш ҳамда уларни ўшбу мақсадда аттестациядан ўтказиш.

*Суд қарорлари тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этилади.*

*Судьялар олий мактабига унинг расмий сайти орқали ариза ва муражатлар йўлланади.*

*Хорижий тиллардан миллий ва халқаро сертификатга эга давлат бошқарув идораларининг барча бўғинлари ходимларига лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача кўшимча устама ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.*

*Давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулк декларация қилиниши керак.*

*Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эғалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади (хорижда ишлаётган давлат хизматчилари ва давлат хизмати-га киришдан олдин олинган мол-мулк бундан мустасно).*



## Сийёсий шарҳ

# Янги дунё манзаралари

XXI асрнинг 21-йили ҳам якунига етди. Ўтган йил кимгадир бахт-омад келтирди, кимгадир оғир азоб-уқубатлар йили бўлди. Менга эски йилнинг қиёфасини чизиб беришга тўғри келса, энг аввало она-юртимизда яшаётган инсонларни тиббиёт ниқобларисиз тасвирлаб берган бўлардим. Чиндан ҳам, Ўзбекистонимиздан коронавирус балосининг чекиниши халқимизнинг катта бахти бўлди. Яна менинг тасаввуримда Америка ҳарбий учоқларидан тутдек тўкилаётган афгонларнинг сурати кўрқинчли кинофильмнинг кадрларидек абадий сақланиб қолди.

Байрамлар, тантаналар билан бирга дахшати сув тошқинлари, зилзилалар, тўфонлар, ҳарбий моjarолар баъзан ёнма-ён, баъзан бир вақтнинг ўзида содир бўлди. Дунёнинг айрим чеккаларида ковид балоси қайтадан кучайиб, миллионлаб кишилар ёстигини қуритди. Эсимда қолган яна бир манзара: юртимизда тўйлар кўп бўлди, жуда кўп бўлди. Тўйхоналар деярли танаффуссиз ишлади. Тўйлар – мамлакат тинчлиги ва фаровонлигини аниқ кўрсатиб берувчи сезгир барометрлардир. Кўчаларимизга сигмай бораётган машиналар, тобора юқорига юксалиб бораётган осмонўпар бинолар, кунда бўлмаса кунора иш бошлаётган йирик sanoat корхоналари мамлакатимиз тараққий-ётининг муҳим сифат кўрсаткичлари эканлиги кўриниб турибди. Бироқ бу дегани биз ҳамма муаммо ва оғриқларимиздан ҳалос бўлдик, дегани эмас. Хорижда иш излаб юрган миллионлаб меҳнат муҳожирилари, ҳали тамоман тугатилмаган қашшоқлик, кундан-кунга жамиятимизни ўз домига тортаётган коррупция балоси, ёшларимиз орасидаги давомий ишсизлик, таълим ва тиббиёт соҳасидаги эски ижтимоий муаммолар – буларнинг бариси кейинги тараққий-ётимиз оёғидаги тушов бўлиб тургани ҳам аён ҳақиқат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сый-ҳаракатлари билан жонажон Ўзбекистонимизни тубдан янгилаш ҳаракати изчил давом этмоқда. Айниқса, бу борада мамлакатимиздаги ютуқлар билан бирга муаммолар ҳақида ҳам очиқ гапирилаётгани биз қалам аҳлини чексиз илҳомлантирмоқда. Бугун оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилиш имконияти бекиёс кенгайиб кетди. Ҳатто оддий фуқаролар ҳам интернет воситасида ўз фикрларини эркин изҳор қилмоқда. Айнан ана шу жойда халқимизнинг хат-саводи, маданияти ва интеллектуал савияси ҳали ҳаминқадар эканлиги кўриниб қолаётир.

Энди тор хонамиздан жаҳон айво-нига чиқиб назар ташлағудек бўлсак, уларнинг олдиде бизнинг маҳаллий муаммоларимиз ҳолва эканлигига амин бўламиз. Бугунги кунда дунё ҳамжамияти худди ўтган асрларда бўлганидек, уруш ва тинчлик, қуролсизланиш, қашшоқлик, эпидемия ҳамда экологик муаммолар билан юзма-юз бўлмоқда. Булар орасида ҳозир энг долзарби – катта жаҳон уруши чиқиб кетиши хатаридир. Тинчлик соҳасидаги Нобель мукофотининг лауреати Дмитрий Муратовнинг фикрига кўра, уруш ва тинчлик масаласини дунё сийёсатчилари ўзига хос бизнесга айлантиришди. Уларнинг агрессив режасидан дунёни янги жаҳон уруши ёқасига келтириб қўйишди. Айрим сийёсий кузатувчиларнинг фикрича, бугунги вазият ўтган асрда содир бўлган “Кариб инқирози”дан ҳам хатарлироқ. Чунки, ўшанда янги уруш хавфи дунёнинг битта нуқтасида вужудга келган эди. Бугунги хатарларнинг эса географияси жуда кенг. Украина, Тайвань, Беларусь, Болтиқбўйи, Сурия, Эрон, Покистон, Афғонистон, қўйинги дунёнинг ўнлаб мамлакатларида уруш чиқиб кетиши эҳтимоли кучаймоқда.

Шу боис бўлса керак, дунё афкор ом-маси янги йилда бошланиш кутилаётган Россия – АҚШ музокараларини умид билан кутаяпти. Чунки бу икки йирик давлат ўртасида халқиниши мушкул чигал муаммолар юзага келган. Гарчанд хали янги “совуқ уруш” бошланган бўл-маса-да улар ана шу хатарнинг остона-насида туришибди. Россия Америкадан НАТО ҳарбий-сийёсий ташкилоти чегараларини Шарққа ортиқ силжитмасликни талаб қилмоқда. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш жоизки, янги-янги мамла-катларнинг НАТО пинжига киришларига, аслида, россияликларнинг номақбул сийёсати сабаб бўлаётир.

аммосини ҳарбий куч ёрдамида халқиниши режалаштирмоқда. Дунё миқёсида АҚШ нинг доминантлик даражаси пасайиши ёмон оқибатларни келтириб чиқариши кундан кунга аёнлашиб бормоқда. Айниқса, Америка қўшинларининг Афғонистондан шошма-шошарлик билан олиб чиқиб кетилиши дунё сийёсий иқлимнинг сезиларли даражада бузилишига олиб келди. Рақиб давлатлар АҚШни заиф давлат сифатида баҳолай бошлади. Бу эса ўз навбатида дунёнинг сийёсий иқлими кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Биз буни ташвиш билан қайд этишимизнинг сабаби шундаки, ўтган асрнинг 30-йилларида ҳам худди шундай вазият юзага келган. 20-йиллар охирида Америкада юзага келган оғир иқтисодий инқироз оқибатида мамла-кат бирмунча заифлашиб, дунёнинг сийёсий ҳаётига фаол аралашолмай қолганди. Бундан илҳомланган Германия, Италия ва Япония ўзларининг агрессив иттифоқларини тузишган, улар билан яккама-якка қолган Европа давлатлари ҳамда СССР Гитлер билан муроса қилишга мажбур бўлишган эди. Европалықлар Чехословакияни қурбон қилган бўлса, Сталин Гитлер билан ўн йиллик шартнома тузишга мажбур бўлганди. Бугунги вазият ҳам тахминан ўша ҳолатни эслатмоқда. Фарқ шуки, Чехословакия ўрнига Украина, ўн йил-лик шартнома ўрнига НАТОни Шарққа силжитмаслик келишувини имзолаш. Бироқ ўшанда буларнинг бариси Иккинчи жаҳон урушининг олдини ололмаган ва кейинчалик дахшати жанглар бошланиб кетганди. Шу маънода, эндиги уруш тахминан бошқача бўлиши кутилмоқда. Худо кўрсатмасин, бу жанглардан энди ҳеч ким омон чиқ-майди. Ҳозирги тўпланган атом-ядро қуроллари Ер қуррасини бир эмас, бир неча марта култўдага айлантириш қув-ватига эга. Биринчи жаҳон урушида 10 миллион инсон қирилиб кетган бўлса, Иккинчи жаҳон урушида тахминан 60 миллиондан ортиқ одамларнинг ёстиги қуриди. Тахминан, дейишимизнинг боиси шуки, қурбонлар сони ҳали охиригача санаб чиқилган эмас. Дунё жангарилари тайёрлаётган янги жаҳон урушида энди ҳисоб миллионларда эмас, балки миллиардларда бўлиши аён кўриниб турибди. Бўлажак муҳо-рабининг битта натижаси аниқ: унда ғолиблар бўлмайди, унда ҳамма мағлуб бўлишга маҳкум.

Нима бўлганда ҳам 2022 йил бизга янги-янги қувончлар олиб келди деган умид ҳеч биримизни тарк этмасин.

**Худойберди КОМИЛОВ,**  
сийёсий шарҳловчи.

# БОЛАЛАР НАФАҚАСИ

## КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

**Болалар нафақаси олишни истовчи ёш оналар кўп. Аммо, нафақа пули тайинланишини сўраб муурожаат қилган фуқароларнинг ҳаммасига ҳам нафақа пули берилмайди. Хўш, нима учун? Болалар нафақаси кимларга берилади?**



Шу каби саволларга бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Абдурашид Раҳимов кўйидагича жавоб берди.

- Болалар нафақаси тайинлаш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритилди, яъни, 2021 йилнинг 21 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг 654-сонли қарори билан низом тасдиқланди, - дейди А.Раҳимов. - Илгари амалда бўлган болалар нафақаси 3 турга бўлинарди, яъни 2 ёшгача болалар нафақаси, 14 ёшгача болалар нафақаси ва моддий ёрдам пули. Энди бу нафақа турлари болалар нафақаси деб белгиланиб, кичик ёшдаги болалар учун 3 ёшгача нафақа, 18 ёшгача нафақа деб узайтирилди. Шу билан бирга моддий ёрдам нафақаси ҳам мавжуд.

Бола 3 ёшга тўлгунча бериладиган нафақа миқдори 325 минг сўм бўлди. Шунингдек, низомга кўра, онанинг иккинчи боласи учун 150 минг сўм, учинчи ва ундан кейинги болаларига 100 минг сўмдан нафақа пули тайинланади. Энди нафақа тайинлашда оиладаги болаларнинг миқдори ҳисобга олинади.

## ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА НАФАҚА БЕРИШ РАД ЭТИЛАДИ?

Нафақа тайинлашда оила аъзоларининг ўртача даромади ҳисобга олинади. Масалан, оилада фақат ота ишласа, унинг ойлик маоши оила аъзоларига тенг тақсимланади, ўртача даромад 440 минг сўмдан ортиқ бўлса, нафақа бериш рад қилинади. Аксинча, оила аъзоларининг ўртача даромади 440 минг сўмдан кам бўлса, нафақа тайинланади. Агар она ёлғиз ўзи фарзандини тарбиялаётган бўлса, бундай оилага нафақа тайинлашда энгилликлар берилган.

Ақсарият ҳолатда ишламаётган фуқароларга нафақа тайинлаш рад этилади. Боқимандаликнинг олдини олиш мақсадида ишламаётган фуқароларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш чеклаб қўйилган.

Шунингдек, сўнгги етти йил ичида машина сотиб олган фуқарога, трактор ёки оғир автомашиналари бор кишиларга ҳам нафақа тайинланмайди. Бундан ташқари, оила аъзоларидан бирининг энг кам иш ҳақининг 5 баробари ёки ундан ортиқ миқдорда банкларда қўйилган омонатлари бўлса, уларнинг номида икки ва ундан ортиқ миқдорда кўчмас мулк бўлса, нафақа тайинланмайди. Ҳозирги банд қилган фуқароларга нафақа тайинланади.

## НАФАҚА ОЛИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Фуқаролар нафақа бўйича аризаларни маҳалла фуқаролар йиғинларига топширадилар. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳар ойнинг 19-санасигача барча аризаларни жамлаб, пенсия жамғармасига топширади.

Пенсия жамғармаси томонидан уларнинг маълумоти ягона реестр дастурига киритилади. Бу ерда инсон омили чекланган. Маҳалла ҳам, пенсия жамғармаси ҳам бировга ёрдам беролмайди ёки унинг нафақасини рад қилмайди. Ягона реестр дастури ўн ўчта вазирлик билан боғланган. Бу дастурнинг ўзи ҳар бир ариза учун сўров хати юборади. Масалан, илгари ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни камайтириб олиб келиш ҳолатлари кузатилган бўлса, энди дастур фуқаронинг солиқдан қанча даромад олаётгани ва қаерда ишлаётганини сўраб олади. Ёки фуқаронинг автомашинаси бўлса, бу ҳақда ҳам дастурга маълумот келади, кўчмас мулк икки ва ундан ортиқ бўлса, кадастрдан маълумот келади, мезонларга тўғри келгандан сўнг дастур орқали нафақа тайинлаб берилади.

Шунингдек, фуқаро нафақа тайинлаш ҳақида онлайн тарзда муурожаат қилиши мумкин. Нафақани тайинлаш мuddати 12 ойгача. Масалан, январь ойида тайинланган нафақанинг мuddати туғади. Февраль ойидан фуқаро яна қайта муурожаат қилиши мумкин. Унга март ойининг 1 санасидан бошлаб нафақа тайинланади.

Моддий ёрдам нафақаси 6 ойга тайинланади. Нафақа тўловлари Халқ банкининг сайёр кассалари орқали фуқаронинг хоҳишига кўра, нақд ёки пластик карталар орқали берилади. Нафақа тўловлари ҳар ойнинг 5 санасидан 25 санасигача амалга оширилади. Пластик картаси борларга ҳар ойнинг 5 санасигача нафақа пуллари тўлаб берилади.

## ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР ҲАМ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИ

Ижтимоий нафақалар уч турга бўлинади: ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик. Ёшга доир нафақалар иш стажига эга бўлмаганларга, яъни 60 ёшдан аёллар ва 65 ёшдан эркекларга берилади. Ногиронлик нафақаси тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан ногиронлик белгилангандан сўнг тайинланади. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси фуқаро вафот этганда унинг болаларига тайинланади.

Ижтимоий нафақалар қатъий миқдорда белгиланган бўлади. Ёшга доир нафақа умрбод тайинланади. Ногиронлик нафақаси тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан ногиронлик мuddатида қараб амалга оширилади. Боқувчисини йўқотганлик тўғрисидаги нафақалар болаларга 18 ёшга тўлгунча қадар тайинланади.

Агар боқувчисини йўқотганлик нафақаси оладиган бола ўқиётган бўлса, унга 23 ёшгача нафақа тайинлаш ҳақида таклиф киритилапти. Ушбу таклиф ҳозирча муҳокамада.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА ёзиб олди.**

## ЭЪЛОН

Самарқанд шаҳридаги 18-ўрта мактабдан 1997 йилда Раҳимов Илхом Мухаматович номига берилган О' R-A № 149695 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Ургут туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Раҳматов Мухриддин Сайфи ўғли номига берилган U № 6888169 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейидан 2012 йилда Болтаев Далер Бахронкулович номига берилган рўйхат рақами 83, L № 142050 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

